

**ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ
СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 12-iyul, shanba
№ 55 (15797)



Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мазкур қарор ижроси доирасида ишлаб чиқилган туман дастурига кўра, таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларга жаҳон андозалари талаблари асосида билим бериш, истеъдодли йигит-қизларнинг қобилиятини юзага чиқариш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жорий йилда тумандаги умумтаълим мактабларини 1 минг 968 нафар, касб-хунар коллежларини 2 минг 82 нафар йигит-қиз тамомлади. Уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш ва бандлигини таъминлаш айти пайтдаги устувор вазифадир. Бу борада таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва корхоналар ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қалби ва онгида юртга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтиришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни беқиёс. Туманда мазкур ташкилотнинг 16 минг 200 дан ортиқ аъзоси бор. Жорий йилнинг ўтган даврида касб-хунар коллежлари битирувчилари учун тўрт мартаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тузилган уч томонлама шартнома асосида битирувчилар иш ўринларига эга бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Munosabat

Оққан дарё оқаверади

Шу йил май ойида Самарқанд шаҳрида буюк алломаларимиз меросининг аҳамияти ҳақида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ер юзининг турли томонларидан ташриф буюрган машҳур олимлар, жамоат арбоблари ҳузурда Ўзбекистон Президенти ниҳоятда сермазмун ва таъсирчан нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг гуруҳ ва ифтихорга тўла нутқини ойнаи жаҳон орқали жуда катта қизиқиш билан тингладик, газеталардан қайта-қайта ўқидик. Қаранг, бизнинг табар-

рук заминимиз инсониятга қанчадан-қанча улуғ мутафаккирлар, алломаларни етказиб берган. Юртбошимиз жуда ҳаётий гап айтдилар: буюк ўтмишимиз билан фахрланганимиз яхши,

айни пайтда ўша аждодларнинг вориси сифатида бугунги авлод ҳам жаҳон интеллектуал хазинасига ўз ҳиссасини қўшиши керак. Бу вазифа, айниқса, биз ёшлар зиммасига катта масъулият юклайди. Оққан дарё оқаверади. Она Ўзбекистонимиз янги истеъдодларни йўлга олиши учун барча имконият ва шароит яратилган.

Нигина САЙЛИЕВА,
Тошкент хореография
коллежи битирувчиси

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 23 нафар йигит-қизга ўз бизнесини бошлаши учун тижорат банклари томонидан 219 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Яратилаётган имконият ва имтиёزلардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Жумладан, «Ташаббус — 2014» кўриктанловининг вилоят босқичида Шавкат Юсупов энг фаол ёш тадбиркор сифатида эътироф этилди.

Оилалар мустақамлиги, қизларни оила қуришга тайёрлашда туман ФХДЁ бўлими қошида ташкил этилган «Оила дорилфунуни» фаолияти муҳим аҳамият касб этаётир. Бу ерда никоҳдан ўтаётган ёшлар билан оиланинг муқаддаслиги, эрта ва қариндошлар ўртасидаги турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, оиладаги муносабатлар, оилавий ҳаёт тўғрисида суҳбатлар олиб борилмоқда. Ажримлар, ноқонуний никоҳ ҳолларининг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Туман ҳудудида «Камолот» шаҳарчаси барпо этиш учун 2 гектар ер ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда тумандаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларидаги замонавий спорт иншоотлари катта роль ўйнамоқда. Учта болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Тумандаги «Хумо» спорт мажмуасида ёшлар бокс, футбол, кураш, таэквандо, дзюдо каби спорт турлари билан шуғулланиб, вилоят, мамлакат терма жамоалари таркибига нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Қибрай, Салар шаҳарчалари ва Байтқўрғон қишлоғида намунавий лойиҳа асосида замонавий спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 7-, 16-, 21-умумтаълим мактаблари капитал реконструкция қилинди, иккита мусиқа ва санъат мактаби қад қўтарди. Ушбу санъат мактабларида беш юзга яқин ёш истеъдод соҳиб тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, миллий ва жаҳон классик мусиқаси ҳамда эстрада йўналишларида таҳсил олаётир. 2014 йилда фойдаланишга топширилган 60 ўринли «Зуқко болажонлар» мактабгача таълим муассасасида кичкинтойларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча қулайлик яратилган.

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намоёни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг шу йил 1 июлдаги Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги ушбу буюк сана — истиқлол байрамнинг 23 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарорига асосан туманимизда «**Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним**» деган эзгу ғояни ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан шу кунларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда Ватан тақдири, бугуни ва келажигига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, мустақил, янгича фикрлайдиган авлодни вояга етказиш доимий эътиборимизда бўлиб қолаверади. Зеро, ёшлар эртанги кунимизнинг эгалари, келажакимизнинг яратувчиларидир.

Нигмат МУҲАМЕДОВ,
Қибрай тумани ҳокими.
(ЎЗА)

Дунё жадал ривожланиб бораётган бир пайтда, ёш авлоднинг ўз касбининг устаси бўлиши, бинобарин, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имконият яратиб бериш нафақат ҳар бир ота-она, балки давлат олдидаги долзарб масаладир. Фарзандни камолга етказиш ота-она олдидаги энг муҳим вазифалардан бўлса, давлат учун ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

ТЕСТ СИНОВЛАРИДА ЯНГИЛИКЛАР

Бугунги демократик тамойиллар ҳукмронлик қилаётган замонда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланганидек, ҳар бир шахс билим олиш, меҳнат қилиш ва мустақил касб танлаш ҳуқуқига эга. Бу, ўз навбатида, юртдошларимизга орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариш, ўзлари танлаган касб эгаси бўлиш, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаш имконини бермоқда.

Ҳар йилгидек яна бир ўқув йили ниҳоясига етиши билан, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун масъулиятли ва ҳаяжонли дамлар бошланади. Бу фурсат абитуриентлар ҳаётидаги энг муҳим босқич бўлиб, улар ўзларининг энг нозик қарорларини қабул қилиши — келгусидаги касбларини танлаши керак.

Бугун Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида Олий таълим муассасаларидаги кириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича бир хил тизимни жорий этишда етакчилик қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида низом», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 8 июлда 2242-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом» асосида амалга оширилаётган замонавий илм-фан, таълим ва юсак технологияларга асосланган ҳолда адолатли тест синовлари ёрдамида баҳолаш тизими субъектив омилларни четлаб ўтиб, жараёнда ҳолисликка эришиш имконини бераётгани барчамизга маълум. Бунинг натижасида мамлакатимизда ёшларнинг олий маълумотли бўлишга интилиши йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, 2012 йилда олий таълим муассасаларига 432 минг, 2013 йилда 480 минг нафардан зиёд абитуриент ҳужжат топширган. Мана, бу йил қабул жараёни ўтган йилгидан ҳам қизгин бўлаётганини кузатяпмиз.

1992 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларининг бакалав-

риятига қабул қилишда тест синовлари жорий этилганлиги билимли ёшларни танлаб олишда ўзининг кўплаб ижобий самараларини бермоқда. Бемалол айтишимиз мумкинки, тест синовлари бугунги замон талабларига мос равишда йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Сўнгги йилларда ҳар бир абитуриент учун унинг билим даражасини, мустақил фикрлаш қобилиятини ҳолисона баҳолайдиган юқори сифатли индивидуал вариантли тест тизимига ўтилгани гапимизнинг яна бир исботи.

Абитуриентларни тест синовларидан ўтказиш сифати ва ҳолислик даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 30 апрелдаги «Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори тест тизими ривожланишида алоҳида аҳамиятли.

Мазкур қарордан келиб чиқиб, 2014-2015 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг бакалавриятига қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларига бир қатор янгиликлар жорий этилди. Масалан, математика фани бўйича тест синовларига информатика ва ахборот технологияларига оид савол ҳамда топшириқлар киритилиб, 30 та савол математика, 6 савол информатика ва ахборот технологиялари бўйича бўлиши белгиланди.

Мазкур янгилик математика фанидан тест киритилган жами 168 таълим йўналишининг 108 тасига жорий этилиши кутилмоқда.

Тест синовларига киритилаётган муҳим жиҳатлардан яна бири, 43 таълим йўналиши бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанлар рўйхати таҳлил этилиб, жумладан, мутахассислик бўйича фанлар (3,1 балл даражасида баҳоланадиган) ролини ошириш мақсадида 22 йўналиш бўйича фанлар қайта кўриб чиқилди. «Геофизика», «Кончилик иши», «Нефт ва газ конларига ишлов бериш ҳамда улардан фойдаланиш», «Электротехника, электромеханика ва электр технологиялари», «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» ва бошқалар шундай фанлар жумласидан.

Давлатимиз раҳбарининг 2012

йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан жорий йилда хорижий тиллар бўйича тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари сони 35 тадан 59 тага етди. Қўшимча 24 таълим йўналишида чет тиллари бўйича тест синовлари жорий этилган.

Шуниси аҳамиятлики, бу йилдан физика асосий мутахассислик бўлган таълим йўналишлари сони бештадан йигирматага кўпайтирилди.

Биология асосий фан сифатида ўқитиладиган таълим йўналишлари сони эса ўн саккизтадан йигирма биттага етди. «Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилик», «Зоотехника», «Ветеринария» ва бошқалар шулар жумласидан.

Жорий йилда олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга кирадиган абитуриентлар имтиҳондан ўтказиладиган фанлар бўйича тест топшириқлари рўйхати ҳам қайтадан кўриб чиқилиб, бунинг учун экспертлар гуруҳи таркибига олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларидан икки юзга яқин тажрибали ўқитувчи, юқори малакали мутахассис, илмий кадрлар жалб этилганлиги тест тайёрлаш жараёни қизгин тус олганлигининг яққол ифодаси.

Бу йилги тест синовларида абитуриентларнинг мантиқий фикрлаш қобилияти, дунёқараши, тест синовлари ўтказиладиган фанларни қанчалик чуқур эгаллаганлигини аниқлашга қаратилган тест саволларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ҳар бир абитуриент пухта тайёргарликка муҳтож эканлигини билдиради.

Замонавий талабларга мос, олий таълим муассасаларига ўқишга киришни ният қилган ёшларнинг билим даражасини тўғри баҳолаш ва танлаш имконини берадиган ягона тест саволлари базаси шакллантирилганлиги бу борада амалга оширилган машаққатли меҳнатлар маҳсулидир.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» мухбири



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ЎЗГАРДИ

Психологияда шундай талқин бор: инсон келажагини қанчалик теран тасаввур этса, ўзига шу қадар ишонган ва олдига шунчалик аниқ мақсадлар қўйиб яшаётган ҳисобланади. Яқинда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази олиб борган сўров мамлакатимиз ёшларининг 88,3 фоизи келажақда ўз режаларига эга эканини кўрсатди. Тенгдошларимиз учун муҳим ҳаётий қадриятлар сирасига таълим олиш, жамиятга фойдаси тегадиган инсон ва яхши мутахассис бўлиб етишиш, мустақам оила қуриш кирган.



«Ўзбекистон ёшлари: одоб-ахлоқ, ҳаётий қадриятлар ва ижтимоий фаоллик» мавзуда ўтказилган ижтимоий сўровда республикамизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган ўғил-қизларнинг фикри инobatга олинди. Эйтиборлиси шуки, бугунги Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари тизимида таълим олиш етакчи позицияни эгалламоқда. Бинобарин, улар шунчаки

имконига эга. Инсон қалби буюрган ишни ҳамиша сидқидилдан бажаради. Худди шу сингари бола ўзи маъқул топган касбни ўзгача меҳр билан эгаллайди ва келгусида мазкур йўналишда, албатта, зўр мутахассис бўлишга бор кучини сафарбар этади. Таълим соҳасида оқиллона юририлаётган сиёсат эвазига бугунги кунда минглаб коллеж битирувчилари таълимнинг кейинги босқичига жалб этилмасданоқ жамиятга наф келтира оляпти. Улар ижтимоий

ўрганишга қизиқувчи ёшлар ҳам кўпаймоқда.

Ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларига ёрдам бераётган яна бир муҳим омил ҳам бор. Давлати-

ва «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловлари шулар жумласидан. Ушбу лойиҳалар ёшларга шахсий бизнесини йўлга қўйиш билан бирга ўзи ва ён-атрофидаги бошқа ёшларни иш билан таъминлашга реал шароит яратмоқда.

Жорий йилда «Менинг бизнес ғоям» танловининг республика босқичида ғолиб чиққан 140 нафар коллеж битирувчиси тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун дастлабки сармояга эга бўлди. Уларнинг 28 нафарига тижорат банклари томонидан жами 312,5 миллион сўм, 112 нафарига 1,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли фоизларда кредит ажратилади.

Ижтимоий сўров натижалари истиқлол йилларида мамлакатимиз ёшларини боқимандалик кайфияти тарқ етаётганини кўрсатмоқда. Бунинг ўрнини ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик ва мустақил фикр юритиш эгаллаган. Демак, мамлакатимиз ёшлари бугун олиб борилаётган ислохотлар эртага уларнинг-да истиқболи, ҳаёти фаровон ва турмуши барқарор бўлишига хизмат қилишини теран англаяпти, шу боис мазкур жара-

ёнга ўзининг дахлдорлигини ҳис қилмоқда. Шу билан бирга ёшлар порлоқ келажақ ва тараққиётга ўз-ўзидан эришиб бўлмаслигини, кучли давлат ва жамият фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги асосида барпо этилишини ҳам яхши билади. Ижтимоий фаол фуқаро — мустақил фикр ва қатъий ҳаётий позицияга эга шахсдир. Айтиш керак, айнан шу икки жиҳат истиқлол даврида Ўзбекистон ёшлари учун янги устувор ижтимоий меъёрларга айланди.

Ёш авлод вакиллари учун муҳим ҳаётий қадриятлар тизимида маънавий категориялар ҳам ўрин эгаллаган. Тад-

Мустақиллик йилларида ёшларда боқимандалик кайфияти ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик ва мустақил фикр юритиш билан алмашди.

қиқот мустақиллик йилларида ёшларда миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, Ватанга садоқат ва юртдан фахрланиш, ифтихор туйғулари кучайганини яна бир бор исботлади. Ёшларда Ватанимиз тарихи ва маънавий-маданий меросимизга қизиқиш ортиб бормоқда.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Таълим ва оила Ўзбекистон ёшларининг муҳим ҳаётий қадриятлари тизимидан ўрин олган.

диплом учун эмас, балки чинакам рақобатбардош кадр бўлиб етишиш мақсадида замонавий билимларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, мустақиллик йилларида юртдошларимиз онгида таълимга муносабат ва таълим сифати талаб тубдан ўзгарганидан далолат беради.

Эндиликда мактабнинг 9-синфини тамомлаган ўқувчи юқори идоралар томонидан зўрма-зўраки белгилаб берилган тақсимот асосида эмас, балки ўз хоҳиш-иродасига таянган ҳолда ўрта махсус касб-хунар таълим муассасасини танлаш ва исталган касб ёки хунарни ўрганиш

ҳаёт ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда олий маълумотли бўлиш истагини билдирган ёшлар сони йил сайин ортиб боряпти. Жорий йилда бу кўрсаткич 81,6 фоизни ташкил этди. 2013 йилда ўтказилган сўровда ҳар икки ёшдан бири олий таълим муассасасига кирмоқчи эканини маълум қилган. Респондентлар орасида иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ, педагогика, тиббиёт йўналишларига талаб катта. Муҳандислик-техник мутахассисликлари, ҳарбий иш ҳамда ахборот технологиялари, шунингдек, чет тилларини

миз томонидан уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилган. Таъкидлаш керак, ушбу масала мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга

қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастурда ёшларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда ёш тадбиркорлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинувчи «Менинг бизнес ғоям»

Мамлакатимиз ёшларининг 88,3 фоизи келажаққа аниқ мақсад билан интиляпти.

Ўзбекистонда ёшларнинг 81,6 фоизи олий маълумотли бўлиш истагида.



ҲАРАКАТДА ТОБЛАНГАН ЁШЛАР

Шавкат Дурхўжаев Тошкент давлат аграр университети «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси. У жорий ўқув йили аввалда университет «Камолот» ЁИХ ҳисобот-сайлов конференциясида бошланғич ташкилот етакчиси этиб сайланди. Етакчига

бундай катта ишонч шунчаки билдирилган эмас. Бунинг замирида ёшлар сардори сиратида йиллар давомига шаклланиган тажрибанинг маҳсули ётади.



Шавкат ёшлар ташкилоти сафларига йигит-қизларнинг қизиқишлари, истак ва муаммолари билан ишлашда етарли кўникмаларга эга бўлган етакчилардан. Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтган «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шiori остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчиларининг биринчи республика форумида иштирок этиб, «Энг намунали бошланғич ташкилот» номинациясида голиб бўлди. Бундай эътирофга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Бунинг замирида ташаббускорлик, ўз ишига фидойилик муҳассама.

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман юртимизнинг олий таълим муассасалари етакчилари учун айна мудабо бўлди, — дейди Шавкат Дурхўжаев. — Форум доирасида етакчиларнинг ўзаро тажриба алмашиши, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиши учун бир-биридан қизиқарли тадбирлар, семинар-тренинглари ташкил этилди. Илгор тажрибаларни оммалаштириши,

рақлигини кўрсатди. Форумда тўплаган тажриба ва кўникмаларимизни амалиётда қўллаб келялмай. Олти мингдан зиёд талаба-ёшни ягона мақсад атрофида бирлаштириши, талабалар орасидан ҳақиқий сардорларни танлаб, аҳил жамоани шакллантиришининг ўзи бўлмайди. Етакчи ўз атрофидаги ёшларга фаоллиқда, ташаббускорликда намуна бўлиши баробарида мураккаб вазиятларда ҳам масъулиятни ўз зиммасига ола билиши керак.

Олдига юксак мақсадларни қўйган ҳар бир талаба долзарб лойиҳалари, янгиликлари, илмий изланишлари билан яхши маънода ўзини кўрсатишни истайдди. Масалан, агроиқтисодиёт факультетининг даўрлаштирилган таълим муассасаларида ўқиётган Жавлон Ботиров дарсдан бўш пайтларида иқтидорли талабалар йўналишида фаолият кўрсатади. У тенгдошларини турли танловлар ҳақида хабардор этиб боради. Хоҳловчиларга йўл-йўриқ кўрсатади. Бунинг натижасида ўзига ўшаган илмий тадқиқот билан шуғулланишни истаган талабалар сафи кенгаймоқда. Зо-

техния факультети талабаси Равшан Ҳасанов ҳам ана шундай ёшлардан. У «Ўзбекистон шароитида қўнчилликни ривожлантириш асосида экологик тоза маҳсулот етиштириши» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.



Навбатдаги «Етакчи» рукни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент давлат аграр университети бошланғич ташкилоти фаолиятига бағишланади

Ҳетакчи

Бошланғич ташкилотлар ва етакчи ёшлар ҳақида

Маҳаллада томорқа хўжалиги

«Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси ўринбосари Маъмура Халилова ҳар соҳада илгор.



ТошДАУ талабалари деҳқончилик, боғдорчилик, уруғчилик бобида билимларини мустаҳкамлаш учун тажриба майдонларида амалиёт ўтайдилар.

Маъмура Халилова билан суҳбатимиз ўйлаганимиздан кура ўзгача тарзда кечди. Фаолият сирқирра бу талаба ўзига нисбатан анчайин талабчан экан. «Камолот»-да ёшлар ўзларининг яширин қобилиятларини кашф этилиши алақадон аниқлаб олган Маъмура ўзи истикомат қилаётган пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган «Баротхўжа» маҳалласида сажкизта, кейин университет ҳудудига кўшни бўлган «Ойбек» маҳалласида учта хонадонда талабаларнинг тажриба ўтказишлари учун бўш ётган томорқалардан фойдаланиш ташаббуси билан чиқди. Маъмуранинг «Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишда ёшлар гуруҳлари-

ни ташкил этиши» лойиҳаси икки томон учун ҳам самарали бўлди. — Мазкур лойиҳа орқали ёлғиз яшайдиган кексалар ҳолидан ҳабар олиб, уларнинг томорқаларида турли хил полиз экинларини парвариш қилиш режамизни ўйлашди. — Лойиҳа доирасида «Камолот»чилардан иборат ёшлар гуруҳи уларнинг бўш ётган томорқаларига картошка, қарам, нўхат екишди. Бу ишга маҳалладаги уюшмаган ёшлар ҳам бош қўишиди. Талабаларимиз экилган ниҳолларни парвариш қилиш учун хонадонлардан хабар олиб туришди. Маҳалладаги ёшлар эса, ўзларига бириктирилган қарияларнинг уй ишларига ёрдамлашди. Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шуки, катта ҳаёт тажрибасига эга отахон ва онахонларнинг ўғитлари ёшлар учун сабоқ бўляпти. Натижада икки авлод ўртасида-

балар тураржойида «Speaking club» ташкил этдик. Ҳозир ушбу клубда талабалар инглиз тилини бепул ўрганишмоқда. Клуб аъзоларини турли хил методик қўлланмалар ва қўшимча ада-

Жорий йилда университет жамоаси «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Тафаккур синовлари» кўриктанловиди 3-уринни қўлга киритди.

Спорт — талабалар учун

«Камолот» ЁИХ БТ спорт-соғломлаштириш ва экология йўналиши етакчиси Амиер Ришқулов зоотехника факультети ветеринария йўналиши тўғрисида. У белбоғи кураш бўйича Ўзбекистон чемпионли, қатор халқаро турнирларда собирини ўринларини қўлга киритган. Бухоро шаҳрида ўтказилган Универсиада спорт йўналишида бронза медалига сазовор бўлди. Сақсия ёшидан кураш билан шуғуллана бошлаган Амиер юқори натижалари билангина эмас, ўзининг ажойиб хуши, билгани билан ҳам тенгдошларига ўрнак бўляпти.

— Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномаси билан имтиёзли равишда ўқишга кирдим, — дейди Амиер. — Биринчи курсдан «Камолот»га аъзо бўлдим. Сўнг тенгдошларимнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун университетимизда белбоғли кураш ва шахмат-шашка тўғралакларини ташкил этдим. «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», «Спорт — саломатлик гарови», «Ректор кубоғи», «Декан кубоғи» каби спартакиада ва мусобақалар ўтказдик. Бунинг натижасида талабаларнинг спортга қизиқиши

ортапти. Агрономия факультетининг 3-курс талабаси, Ўзбекистон чемпиони Зоҳид Кенжаев стол теннисни бўйича Германияда ўтказилган жаҳон кубоғи баҳсларида иккинчи ўринни эгаллади. Талабалар дарсдан бўш пайтларида университет ҳудудидagi замонавий спорт мажмуасида шуғулланишлари мумкин. Футбол майдони, спорт мажмуаси уларнинг ихтиёрида. Спорт мажмуасида сузиш ҳавзаси, стол теннис, волейбол, баскетбол, бокс, кураш секциялари, тренажёр, енгил атлетика, бадиий гимнастика заллари мунтазам ишлаб турибди. Уни-

Версияда спорт мусобақаларида университетимиз вакиллари стол теннисни, кураш, белбоғли кураш, дзюдо бўйича юқори натижалар кўрсатди. Яқинда Жиззах вилоятида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган минифутбол мусобақасида «Аграр» футбол жамоамиз учинчи ўринни қўлга киритди. Шу йилнинг 6—9 май кунлари Паркент туманида белбоғли кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида спортчи талабалардан Шерали Дўрмонов, Баҳром Худойкулов, Сардор Отамуродов иштирок этиб, галаба қозонди.




— Мухасон Ялғашев, «Камолот» ЁИХ БТ фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш факультети етакчиси:

— Университетимизда қўнчил тилларни пухта ўрганишни истайдиган талабалар талайгина. Тенгдошларимнинг хоши ва истакларини рўёбга чиқариш учун барча шароитлар мавжуд. Айниқса, талабаларнинг дарсдан бўш пайтларида инглиз тили билан шуғулланишлари учун талабалар турар жойи энг қулай манзил ҳисобланади. Бу борадаги тақлимимиз хорижий тиллар кафедраси ва университет бошланғич ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланиб, амалиёт ёрдам кўрсатилди. Натижада 15-тала-

балар тураржойида «Speaking club» ташкил этдик. Ҳозир ушбу клубда талабалар инглиз тилини бепул ўрганишмоқда. Клуб аъзоларини турли хил методик қўлланмалар ва қўшимча ада-

«Камолот» радиосидан гапирамиз!

Ҳар кун катта танлаф-қисда ана шундай сўзлар билан «Камолот» радиоси эфирга чиқади. Уни-верситетга радионинг пайдо бўлишида ташаббускор талабалар тайёри кўрсатишди.



— Баъзан талабалар фойдали ва зарур ахборотлардан беҳабар қолишади, — дейди университет «Камолот» радиоси бошловчиси Илёс Сафаров. — Тенгдошларимни турли танловлар, лойиҳа ва ахборотлардан ўз вақтида хабардор этиш мақсадида университетда радио ташкил этиш тақлифини билдирдим. Ушбу тақлифини университет раҳбарияти ҳам, БТ етакчиси ҳам маъқулади. Тез орада радио учун зарур барча асбоб-ускуналари ўрнатдик. Кейин радиодан узатиладиган хабарларни, янгиликларни саралаб, тайёрлашга киришдик.

Талабалар тураржойи етакчиси Илёс Сафаровнинг ташкилотчилик қобилияти мактабдан бошланган. У Жомбой транспорт касб-ҳунар коллежида ҳам «Камолот» сардори бўлган. Ўқишни тугатган, бир йил туман кенгашида бosh мутахассис бўлиб ишлади. Университетга


ўқишга киргач, бошланғич ташкилотига аъзо бўлди. Ёшлар ташкилотиде ҳар бир талаба-ёш мавжуд муаммо ва қизиқишларидан келиб чиқиб, янги лойиҳалар яратади.

— Кўпчилик талабалар жамоат ишлари ўқишга ҳалақит беради, деб ўйлайди, — дейди Илёс Сафаров. — Дастлаб мен ҳам шундай фикрда эдим. Бироқ менга етакчимиз тўғри йўл-йўриқ кўрсатди. Ўзимга кун тартиби ва режа тузиб олдим. Шу асосда ўқишга ҳам, «Камолот»-даги ишларимга ҳам вақт топиладди.

Дарҳақиқат, Илёснинг ҳаракатчанлиги ва ташаббускорлигини кўрган БТ етакчиси унга ҳар қандай топшириқни иккиланмай топширадиган бўлди. Илёс агрономия факультетининг иккинчи курсида ўқиётган бўлса-да, спорт ва маънавий тадбирларни ташкил этишда фаоллик кўрсатади. «Камолот» радиосида спорт шарҳловчиси бўлиб фаолият кўрсатаётган Илёснинг маънавий йўналишидаги лойиҳалари ҳам ҳавас қилса арзиғулик.

Agrar.uz га хуш келибсиз!

«Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотининг матбуот йўналиши етакчиси Муҳаддас Умаралиева мева, сазваotchилик ва узумчилик факультети талабаси, Тошкент давлат аграр университетининг www.agrar.uz сайтига кирсангиз, ўқув юрти ҳаётига оид ранг-баранг маълумотларга эга бўласиз. Ушбу сайтни ишга туширишда Муҳаддаснинг шахсий ташаббуси қўл келди. Ватанимиз, жумладан, университет ёшлари ҳаётида бўлаётган янгиликлар, турли мавзуадаги хабарлар, танловлар, фотосуратлар сайтдан ўрин олган.



— Биз турли факультетларда ўқиймиз, — дейди Муҳаддас. — Шу кунларда университетимизда бўлаётган янгиликларни саралаш, дунё матбуотидаги ўзинимизга керакли маълумотларни олиш, тенгдошларимиз учун зарур ва фойдали хабарларни сайтга жойлаштириш алоҳида тайёргарлик талаб этади. Йўналишда тезкорлик, аниқлик ва ҳолислик билан ишлаш баробарида йўналиш сардори сифатида янада кенг мушоҳада қилиш, агрофи-

мизда бўлаётган воқеа-ходисаларга ҳолисона нуқтаи назар билан қараш кўникмаларига эга бўлдим. Табиийки, бундай кўникмалар янги лойиҳаларни амалга оширишда ҳам «Камолот» фаолига қўл келяпти. «Камолот»да ҳар бир ёш ўз ўрнини топаётгани катта ютуғимиздир. Эзгу мақсадларни сари дадил қадам ташлаётган йигит-қизларга ёшлар ташкилоти қанот бўлаётди. Муҳаддас университетдаги талаба қизлар учун «Моҳир қўллар» тўғрагани ҳам ташкил қилди. Тўғрақда йигирма нафар талаба-қиз бисер тиқиш ва тўқувчиликни ўрганапти. Муҳаддас университетга қўшни бўлган «Бобур» маҳалласида йигирма беш нафар, «Наврўз» маҳалласида истикомат қилувчи ўн нафар қизга ҳам ўз ҳунарини бепул ўргатиб келяпти.

— Болалигимдан онамдан тўқишни ўргангандим, — дейди Муҳаддас. — Хунар нафақат ўзим, балки ҳаётда хунар ўрганишга иштиёқман қизларга ҳам асқотаётганидан мамнунман. «Камолот» бу борада менга кўмак бўлди. Билганларимни университетдаги талаба-қизларга ўргатдим. Шундай қилиб ёшлар ташкилоти бизни ягона мақсад атрофида бирлаштирди, дўстлаштирди.

Дарҳақиқат, «Камолот»да тобланган, чиңқач ёшлар юртимизнинг ҳақиқий таянчи, суянчига айланмоқда. Ватан тараққиёти учун катта куч керак бўлса, ана шу куч ёшлар, бир-бирига қўл бериб олган интилоётган йигит-қизлар сафи кенгайиб бораверсин.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА, «Turkiston» муҳбири.
Рустам Назарматов олган суратлар.

■ Mustaqillik farzandlari ■

САНЖАРНИНГ «ОЛТИН ДАВР»И

У қандай ўтди?

Мақтаб, коллеж, институт ёки университетни битирган ёш йигит-қиз борки, айна дамда олдиндаги режаю орзулар ёки ўтган дамларнинг ширин хотираси билан хаёли банд. Бакалавр дипломини қўлга олиб, «Мен тўрт йил ичида нима қилдим, нима-ларга эришдим?» дея ўзига савол берадиган ёшлар ҳам топилди. Улар фақат ўқиш билан чекланиб қолмай, жамоатчилик ишларида, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этган, яхши натижаларга эришган йигит-қизлардир.

Ана шундай ёшлардан бири, бу йил Жиззах давлат педагогика институтининг жисмоний маданият факультетини тамомлаган, айна пайтда «Камолот» ЁИХ қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси «Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш» бўлимининг Жиззах вилояти бош координатори Санжар Каримовдир. У «олтин давр»ни шунчаки

ўтказмаган. Изланиш, мақола-лар, қўлланмалар, голиблик, ифтихор... Бундай эзгу ҳаракат ва туйғулар талабалик даврида Санжарнинг доимий ҳамроҳига айланди, десак муболаға бўлмас.

У дастлабки ютуғига 2011 йилда эришди. Уша йили у Ўзбекистон Либерал демократик партияси ташаббуси билан «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси доирасида ўтказил-

ган «Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Ушбу танловда унинг асосан иккита таклифи алоҳида эътироф этилган эди. Биринчи таклифнинг мазмуни шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг самарали усуллари ҳақида эди. Унга кўра шаҳардаги эски қудуқларни таъмирлаб ишга тушириш мумкин. Иккинчиси эса Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги балчиқ ҳавзаси атрофида санаторий қуриш таклифи эди. Маълумки, мамлакатимизнинг турли манзилларидан келиб даволаниш мақсадида юртдошларимиз ушбу балчиқдан олиб кетишди. Санжарнинг фикрича, агар бу жойда даволаниш сиҳатгоҳи қурилса, шифоталаб юртдошларимизга шароит яратилган, шунингдек, вилоят маҳаллий бюджетига катта фойдаси теккан бўларди.

Санжарнинг «олтин давр»и

яна бир катта воқеа билан чиройли ўтган. У ўтган йили Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. Унинг устози Музроб Рабимов раҳбарлигида Раёно Муннарова билан ҳамкорликда «Ўқув жараёнида интерфаол методлар» номли услубий қўлланмаси чоп этилгани ушбу ютуққа эришишга асосий омил бўлган эди. Ҳозирда бу қўлланмадан мактаб ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитувчилар фойдаланишмоқда. Эндиликда Санжар барча турдаги таълим муассасалари учун ҳам мўлжалланган шу номдаги услубий қўлланма устида иш олиб борапти. Келажакда ушбу қўлланмадан боғчада ҳам, олий таълим даргоҳида ҳам фойдаланиш мумкин.

Матбуотда турли долзарб мавзуларда мақолалар билан қатнашиб туришни Санжар фаолликнинг асосий белгиси деб билади. Унинг мақолалари чоп этилган газеталар таҳламини варақлаган киши «Баҳонага ай-

ланган лоқайдлик», «Оғир касалликлар кўпаймоқда», «Тамакини ёмонлаймиз-у, бироқ...», «Кул – арзон ва фойдали ўғит», «Миср Александрияси», «Инкор категорияси тил тизимида», «Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги» каби ўқишли мақолаларига кўзи тушади.

У ҳозирда «Камолот» қошидаги «Ўқув-услубий марказ»нинг Жиззах вилоятидаги бош координатори бўлиб ишлар экан, изланиш ва ҳаракатдан тўхтагани йўқ. Ҳаракатнинг бошланғич ташкилот етакчилари учун маҳаллий ва ҳудудий ўқув-семинарлари, шунингдек, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови юзасидан туманлардаги барча бошланғич ташкилот етакчиларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этиб келмоқда.

Келажакдаги орзулар, режалар ҳақида гап кетса, Санжар бир гапда маҳкам туради: «Келажакда билим ва меҳнатим билан Ватан тараққиётига, юрт фаровонлигига ҳисса қўша билсам бас!». Санжарнинг талабалик даврида қўйилган бу эзгу қадам мустақил ҳаётида уни юксак чўққилар сари етаклаши шубҳасиз.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

■ Jurnalning yangi soni ■

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг иккинчи сони нашрдан чиқди. Журналнинг ўзига хослиги шундаки, ўқувчи ундаги бир-бирдан қизиқарли мақолаларни нафақат ўзбек, балки инглиз ва рус тилларида ҳам ўқишлари мумкин.

АЛБАТТА ЎҚИНГ!

Маълумки, инсоният тарихида юксак тараққиётга ҳамиша тинчлик ва осойишталик сақлаш асосида эришилган. «Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир», дейилади Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асариди. Ўзбекистонда инсон — олий қадрият бўлган, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолатланадиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти барпо қилиш — стратегик мақсад ҳисобланади.

Янги сонни варақлаган ўқувчи турли қизиқарли мақолалар билан атрофлича танишиш имконига эга. Масалан, муаллиф Миравзал Миракуловнинг «Давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги» мақоласи орқали мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустақил ва барқарор, аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган фуқаролик жамиятлари институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши, фаолиятига доир янгиликлардан хабардор бўлиши мумкин. Наҳиматдин Таировнинг «Одам савдосидан жабрланиш ва унинг асослари» мақоласида республикамизда одам савдосига қарши кураш ва ундан жабрланган фуқароларга комплекс хизматлар кўрсатиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар, уларни амалга ошириш жараёнида дуч келинаётган муаммоларга бағишланади.

Халқаро Амир Темур фонди раиси, Темирйиллар тарихи давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаевнинг «Тинч яшаш ҳуқуқи» номли мақоласида эса Соҳибқирон бобомиз ва темирйилларнинг маънавиятимизга қўшган хизматлари тадқиқ қилинади.

Шахло ДЎСТМУРОВА,
Ноилахон АХАТОВА



Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб юртимизда ёшлар камолоти, уларни ҳар тамонлама етук, билимли, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг малакали мутахассис бўлиб етишяётганлиги келажакдаги ворисларига қаратилаётган эътиборнинг амалдаги ифодаси дейиш мумкин.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон саноат касб-хунар коллежида 1814 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда. Бу борада коллежда барча шароитлар яратилган. Лаборатория ва ўқув хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланган. Дарс жараёнида ўқувчиларга янги педагогик технологиялар асосида машғулотлар ўтказиб келинмоқда.

— Коллежимизда педагог ходимларнинг ахборот технологиялари ҳамда инглиз тилини мукамал ўрганишлари учун жадвал асосида кафедраларда «Компьютер саводхонлиги» ва «Инглиз тилини ўрганамиз» ўқув курслари ташкил этилган, — дейди коллеж директори Анвар Ражапов. — Бу борада олий таълим муассасалари (ТерДУ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети) билан яқин алоқалар ўрнатилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим муассасамизда ТерДУ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат инсти-

БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА



тути ва Тошкент давлат техника университети билан шартномалар тузилган. Истеъдодли ва иқтидорли ўқувчилар аниқланиб, ўзлари танлаган касблари бўйича олий таълим муассасаларига юборилмоқда.

Шу билан биргаликда коллежда ўқувчиларни кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. 2013-2014 ўқув йилида касб-хунар коллежини 655 нафар ўқувчи тамомлади.

— Коллежимизда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш штаби ташкил этилган бўлиб, битирувчилар, коллеж ва туманимиздаги мавжуд корхоналар ва ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузишган, — дейди Жарқўрғон саноат касб-хунар коллежи директори ўринбосари Уткир Худойкулов. — Тадбиркорлик билан шуғулланоқчи бўлган йигит-қизларимизга йўл-йўриқ кўрсатиб, имтиёзли кредит олишларида яқиндан ёрдам бермоқдамиз. Жумладан, етмиш нафар ўқувчимиз «Микрокредитбанк» Жарқўрғон туман бўлиmidан кредит олишди. Ўнга яқин ўқувчимиз «Камо-

лот» ЁИХ Жарқўрғон туман кенгаши кўмагида тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборган.

— Тадбиркорлик билан шуғулланишни орзу қилар эдим. Чунки бобом ҳам ушбу соҳада фаолият юритади, — дейди биринчилардан бўлиб кредитни қўлга киритган Рисолат Жавлонова. — Келгусида катта тадбиркор бўлиб, туманимизни арзон ва сифатли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўймоқчиман.

Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган таълим тизимидаги ислохотларни бугун дунё тан олаётгани айна ҳақиқат. Айниқса, 9+3 мажбурий таълим тизими ёшларимизни барча фанларни яхши ўзлаштиришлари билан бирга малакали касб эгалари бўлиб етишиб чиқишида бош омил бўлмоқда. Шу билан биргаликда битирувчилар бандлиги таъминланиб, тадбиркорлик соҳасида турли имтиёзлар берилмоқда. Бу эса эртанги кунимиз ворислари учун катта ишонч билдирилаётганидан далолатдир.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Умумий хулоса хатта волиб!



Кўнни кўрганлар айтадики, инсон ҳаётда турмуш ўрток, касб ва чин дўст танлашда адашмаслиги керак. Бунни вақтида англаган борки, турмуши чарогон, ҳаёти бахтларга тўлиқ бўлади. Мухтасар фикримизни эса пойтахтимиздаги Турин политехника университетидан ўтказилган «Ўз касбининг моҳир эгалари» республика танлови қатнашчилари ҳам исботлади. Танловни Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши ташкил этди.

Унда юздан ортиқ корхона, очиқ акциядорлик жамияти ходимлари ишлаб чиқаришга жорий этаётган гоё, лойиҳалари билан қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати уларнинг касбий малакаси, чет тилларини яхши билиши ва ахборот технологияларидан тўғри фойдалана

олиш қобилиятларини ҳам синовдан ўтказди.

— Бугун МХ-1.8 русумли пахта териш машинанинг лойиҳасини кўрсатдим, — дейди Турин политехника университети муҳандиси Файрат Аҳроров. — У кам ёнилғи сарфлаб, тез ҳаракатланади. Пахтани

сочмай, далада қолдирмай йиғиб олишга ихтисослашган. Ишонаманки, беллашувда бу лойиҳам ўзининг ҳаққоний баҳосини олади. Дўстларимга эса омад тилайман!

Танловда «Энг фаол ёш машинасоз», «Энг фаол ёш металлург» номинациялари бўйича

Fan-texnika olami

голиблар аниқланди. «GM Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамияти муҳандиси Дониёр Қосимовнинг тақдироти кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. У ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг сифати ва технологияси ҳақида гапириб берди.

— Бизга голибларни саралаш жуда қийин бўлди, — дейди Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари Акмал Умаралиев. — Чунки уларнинг бари ўз касбини бирдек севади, тажрибаси юқори мутахассислар. Ўйлайманки, улар орасидан энг яхшиларини танладик ва бу танлов хулосаси бўлди. Аммо умумий хулоса шундан иборатки, ўз касбини севувчи ҳамма иштирокчилар олий ўринларга лойиқдир.

«Ўз касбининг моҳир эгалари»да фаол қатнашганлар ҳам тақдирланди. Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Шавкат Адилов бу таассуротлардан кейин танловни анъанавий тарзда ўтказиш кераклигини таъкидлади. Жонли куйқушиқларни кўпчилик соғинган эканми, улар кўнгилларга бирдек манзур бўлди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири



Картошқадан «кола» олинади

Беларусь олимлари картошқадан «кола» ичимлигини олиш техникасини ишлаб чиқдилар.

Маълум бўлишича, кашфиёт Беларусь фанлар академиясининг озиқ-овқат маркази кимёгар-технолог олимлари томонидан ихтиро қилинди. Мутахассислар фикрича, ушбу ичимлик ҳақиқий «кола»дан фарқли ўлароқ, фақат табиий маҳсулотлардан тайёрланади. Бу ичимлик ёрдамида кези келганда бош оғриғини ҳам тўхтатса бўлади. Ичимликка «Микола» деб ном берилди. Янги ичимликни «квас»га ўхшатганлар ҳам топилди.

Тез орада янги «кола» Беларусь дўконларида уч хил кўринишда сотилади.

Рельсда ҳаракатланувчи машиналар

Словакия пойтахти Братислава шаҳрида трамвай йўлларида ҳаракатланувчи машиналар пайдо бўлди.

Шаҳарда бундай машиналарни трамвай ҳаракатланмаётган вақтларда учратиш мумкин. Кашфиёт эгаси ўз ихтиросини тасвирга олиб, «Youtube» сайтига ҳам жойлаштирди. Видеода оддий тахтадан қилинган ҳаракат воситасида трамвай йўлида сайр қилиб юрган кишини кузатиш мумкин. Янги ёғочдан ясалган машиналарни яшаш учун анча кам вақт ва маблағ сарфланади. Маълум бўлишича, бундай ҳаракат воситасида юриш худди скейтбордда учишни эслатади.

Барчаси қўл соатида мужассам

«Google Play» онлайн интернет дўконида «Samsung» ишлаб чиқарган ақли соатлар учун алоҳида бўлим ташкил этилди.

Смартфонлар учун мўлжалланган дўконда энди соатларбоп ўйинлар ва дастурларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, улардан бири соатлар учун мўлжалланган «Flopsy Droid» ўйинидир. Ҳозирча, синов муддатида бўлган бу ўйин соатларда энг кўп кўчирилган дастурлар қаторидан ўрин эгаллади. Ўйиннинг яна бир хусусияти, уни юклаш учун ақли соатга «Okay Google – start Flopsy Droid» (Қани, Google, Flopsy Droid'ни бошла), дейиш кифоя. Ўйин ихтирочиларининг сўзларига қараганда, унда камчиликлар бўлиши мумкин. Бироқ булар фойдаланувчилар талаб ва истагига биноан тўғрилаб, янгилаб борилади.

Роналду — энг яхшиси

Испаниянинг «Реал» футбол клуби аъзоси Криштиану Роналду мамлакатнинг 2013-2014 йилги футбол мавсумининг энг яхши ўйинчиси деб топилди.

Анъанага кўра, у Алфредо Ди Стефано мукофотини қўлга киритди. Маълум бўлишича, футболчи 35 та овоз тўплаган. Шунингдек, унинг рақибларидан «Атлетико» ҳужумчиси Диего Коста 16 та овоз ва Лионел Месси 7 та овоз билан чегараланди. Эслатиб ўтамиз, Роналду клуб сафида Испания кубоги ва Чемпионлар лигасида зафар қучган.

Интернет манбалари асосида
Чарос АБДУКАРИМОВА тайёрлади

«КАМОЛОТ» КУБОГИ ДОНЧИЛАР ЖАМОАСИДА

Жиззах шаҳридаги Заргарлик маҳалласида жойлашган «Умид-жон» спорт майдонидан футбол бўйича «Камолот» кубоги мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



Корхона, ташкилот ва муассасалардаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари аъзолари иштирокида ўтган мусобақада шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган ўндан ортиқ жамоалар яшил майдонга тушишди. Ушбу мусобақа ҳужумкор ўйинлар ва

чиройли голлар билан эсда қолди. Якуний натижаларга кўра, Дўстлик туманидаги «Дўстликдон» ОАЖ ҳаваскор футболчилари ҳал қилувчи ўйинда Бахмал қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жамоасидан устун келиб, биринчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Жиззах тумани Учтепа касб-

ҳунар коллежи жамоасига nasib этди.

Энди голиб жамоа июль ойи сўнгида мусобақанинг минтақавий босқичида Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилояти жамоалари билан кураш олиб боради.

Дилшод ЭРГАШЕВ,
Жиззах вилояти



МАРДЛИК ТАНТАНА ҚИЛСИН



Эртага Бразилия шаҳридаги «Миллий стадион»да Жаҳон чемпионатининг бронза медали эгаси аниқланади. Ярим финалда Германия терма жамоасидан ўзбекистонлик ҳисобда енчилган мусобақа мезбонлари Лионел Месси етакчилигидаги аргентиналик футболчиларга маълум бўлган Нидерландия терма жамоасига қарши майдонга чиқади. Тошкент вақти билан 14 июль санаси тонгида эса 20-жаҳон чемпионати элиби номини билиб оламиз. Рио де-Жанейродаги донгдор «Маракана» стадионида Аргентина ва Германия терма жамоалари ўзаро куч синашади.

Авалло 3-ўрин учун кечадиган беллашув ҳақида гаплашсак.

Ярим финал бразилияликлар учун гоятда аламли ўтди. Чорак финалдан сўнг Неймар ва Тиаго Силвасиз қолган жамоа немисларга қарши туролмади. Аниқроғи, чемпионатга тайёргарлик бобида Иоахим Лёв бошчилигидаги Германия термаси вакиллари мезбонларга дарс бериб қўйди. Нега «тайёргарлик» деярлик, иктидор ва қобилият, жисмоний куч ёки ўйинга бўлган муносабат дема-япмиз? Гап шундаки, жамоанинг салоҳияти борасида майдон эгалари европаликлардан асло қолишмасди. Жулио Сезар, Давид Луиз, Оскар каби йигитлар Тони Кроос, Сами Хедир, Томас Мюллердан кам жойи йўқ эди. Шунчаки, германияликлар чемпионатга Пеле юртдошларидан кўра яхшироқ ҳозирлик кўришган экан, айниқса, руҳий жиҳатдан. Балки бу уларнинг

ўзга қитъа, ўзга мамлакатда босимсиз иштироклари билан ҳам боғлиқдир. Бразилияга бўлса, «жамоага иккинчи ўрин ҳам кам», «мезбонлар фаворит» қабилдаги «тўйдан олдин чалинган ногора»лар панд берди шекилли. Улар ўйиндаги иккинчи, учинчи голлардан кейини қаттиқ руҳий тушкунлик гирдобиде қолишди. Бу гирдоб эса охир-оқибат даҳшатли мағлубиятга сабаб бўлди — 1:7.

Нидерландия эса Луи ван Галнинг ҳимоявий тактикаси «қурбон»и бўлди. Ариен Роббен, ван Перси, Снейдер каби ҳужумкор футболчилари бор жамоанинг Аргентина дарвозасига деярли хавф соломмагани, бунга кўп ҳам интильганини яна қандай изоҳлаш мумкин?

Қисқаси, учинчи ўрин учун кечадиган беллашув кўп ҳам шиддатли ўтмас керак. Агар тажрибали футболчилар ирода кўрсатмаса, жамоаларнинг



бугунги тушкун кайфияти ўйин сифатига ёмон таъсир этиши ҳеч гап эмас.

Финалда азалий рақиблар — Германия ва Аргентина терма жамоалари. Бунга шубҳа қиладиганлар бўлса, мазкур жамоаларнинг 1986, 1990, 2010 йиллардаги «тўқнашув»ларини эслашлари кифоя. Ўша учрашувларнинг иккитасида европаликларнинг кўли баланд келган. 1986 йилги жаҳон чемпионати финалида Марадона етакчилигидаги Аргентина термаси 3:2 ҳисобида галабани тантана қилган бўлса, орадан тўрт йил ўтиб, чемпионлик тожи Германия «бошини беаган». 2010 йилги чемпионатнинг чорак финалини аргентиналиклар эс-

лашни кўп ҳам ёқтиришмаса керак. Унда 4:0 ҳисобида немислар галабага эришган. Ушбу фактларнинг ўзиёқ бу галги финалнинг қандай ўтиши борасида яхшигина тасаввур беради. Яна бир нарса — бу мухлисларни кўп безовта қиладиган савол: Лионел Мессидек футбол юлдузига жаҳон чемпионлиги натижа етадими? Холис айтганда, чемпионат кубогини боши узра баланд кўтариш 27 яшар ушбу футболчи фаолиятининг олтин беагига айланган бўларди. Камтар, ҳеч қачон ўзи эришган ютуқлардан ортиқча ғурурланмайди, ҳам спортчи сифатида, ҳам инсон сифатида ёшларга ўрнак аргентиналик юлдуз чемпионликка муносиб.

Лекин яна бир савол туғилади: Мессининг чемпион бўлишига истеъдод борасида ундан қолишмайдиган Месут Узил шунчаки кўл қовуштириб турармикан?.. Албатта, футбол жамоавий ўйин, бироқ унутмаслик керакки, финал ўйинларида кўпинча ҳақиқий туғма истеъдод соҳиблари бош ролга чиқади...

Нима бўлгандаям душанба тонги (Бразилия вақти билан якшанба кечаси) бизга шиддатли беллашувни тақдим этишига ишонамиз.

Келинг, ният қиламиз: унда мардлик, жасорат ва меҳнатварлик голиб чиқсин.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 21 июль** куни «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши раиси **Анвар Раҳмонов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки **(+99871) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намён этишга шошилинг.

Туман, Андикон вилояти	Қазини қартали таом	Рикардо (футболчи)	Кема ошпази	Теннис майдони
Авто русуми	Хасис	Миркарим ... (адиб)	Педали қайиқ	Балл баҳо
Енгсиз камзул	Икки қоринли мусиқа асбоби	Туман, Қашқадарё вилояти	Гана-нинг пойтахти	Дори тури (буқоқ)
Юрган таёқ ер	Югуриш тури	Номаълум сон	Фазо, коинот	... Черя-зова (спортчи)
Бангладеш пул бирлиги	Сингар, ўхшаш	Катта ўғил	Қазима, маъдан	Кичик китобча, брошюра
Изн, рухсат	Фазначи (русча)	Чуввара (шевада)	Сув транс-порти	Бас қил, бўлди
Мен (шевада)	Кичик китобча, брошюра	Фазо, коинот	... Черя-зова (спортчи)	Бойқобил-лов (поир)
Гўшгисиз суяк	Қирлик, яйлов	Уду, таомил	«Қирол Шер»-даги образ	Столбоп ўйин тури

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Мамлакатни ташқи душманлардан муҳофаза қилиш мақсадида бу девор 782 — 831 йилларда қуриб битказилган. Уни мустаҳкам сақлаш учун ҳар йили таъмирлаб туришарди. Лекин орадан йиллар ўтиб, уни таъмирламай қўйишади. Бунга сабаб ўша даврда мамлакатни идора қилган ҳукмдор: «То тиррик эканман, ...нинг девори мен бўламан», дея юртга қалқон бўлганидир.

Айтинг-чи, бу девор қандай номларди ва у қаернинг мудофаа девори саналарди?

Жавобингизни **15 июль** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнгирак қилиб беришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
Самарқанд вилоятида жойлашган.
Қўшработ туманидан Мухлис Абдувалиев тўғри жавоб йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Тажриба — энг яхши муаллимдир.

Цицерон